



№ 01-07/13-04/210

« 5 » апрель 2023- j.y

Хўжайли тумани ҳокими
Ж.Ермашевга

Вазирликлар, идоралар
ва ташкилотлар раҳбарларига
(рўйхат бўйича)

**“Хўжайли” чегара-божхона постида контрабанда йўли билан кириб келган ионлаштирувчи нурланиш манбалари аниқланганда ФВДқТ хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқини ўтказиш бўйича
ТАШКИЛИЙ КўРСАТМА**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2023 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, Фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда бажарилган ишлар якуни ва 2023 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида”ги 1-сонли буйруғига асосан жорий йилнинг **12 апрель** куни “Хўжайли” чегара-божхона постида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилсин.

2. Махсус-тактик ўқув машқига Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (Торобеков), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Курбанов), Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси (Юсупов), 9115-ҳарбий қисм (Мўминов), Божхона бошқармаси (Казаков), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси (Қутлымуратов) ҳамда бошқа тегишли хизматларнинг куч ва воситалари жалб этилсин.

3. Махсус-тактик ўқув машқини ўтказиш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин;

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбалари топилиши ёхуд радиоактив моддаларни чегара-божхона пости орқали ноқонуний равишда олиб ўтилиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юз берганда, ҳаракат қилиш, уларни барвақт аниқлаш ва бартараф этишда ФВДқТ тегишли хизматлар куч-воситаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш - махсус-тактик ўқув машқининг асосий мақсади этиб белгилансин.

4. Куйидагилар махсус-тактик ўқув машқининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манба(лар)и топилиши ёхуд уларнинг контрабандаси билан боғлиқ фавкулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан ФВДқТ тегишли хизматлар раҳбарлари ва тузилмалари шахсий таркибининг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларда зарур амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

ФВДқТнинг тегишли хизматлари тузилмалари шахсий таркибининг фавкулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларини ҳамда уларга бириктирилган радиацион махсус ўлчов асбоб-анжомлар ва химоя воситаларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларини такомиллаштириш;

фавкулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган хизматлар ўртасида алоқа алмашинуви ҳамда юқори ва куйи тизимларга маълумот етказиш тизимларининг техник жиҳатдан барқарорлигини синовдан ўтказиш;

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбалари топилиши ёхуд уларнинг контрабандаси билан боғлиқ фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича идоравий ва идоралараро ҳаракатланиш режа (йўриқнома)ларининг ҳаққонийлигини амалда синаб кўриш.

5. Махсус-тактик ўқув машқи давомида куйидаги саволлар кўриб чиқилсин:

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбалари топилиши билан боғлиқ фавкулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситаларни хабардор этиш ва йиғиш бўйича объектлар навбатчи-диспетчерлик хизматларининг ҳаракатлари;

фавкулодда вазиятларни бартараф этиш штаби фаолиятини ташкиллаштириш, радиациявий кузатув гуруҳлари томонидан радиациявий зарарланиш кўлами (майдони)ни аниқлаш;

радиациявий зарарланган майдонни белгилаш, чегаралаш, талаб этилганда объект ишчи-ходимларини ҳамда йўловчиларни эвакуация қилиш тадбирларини амалга ошириш;

авариялар ва уларнинг объектларини бартараф этиш, зарарланган ҳудудда фаолият олиб борган ходимларни махсус ишловдан ўтказиш;

топилган (аниқланган) санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбасини идентификациядан ўтказиш ҳамда Республика радиоактив моддаларни кўмиш давлат корхонасига топшириш ва олиб кетилгунга қадар хавфсиз жойга куйиб, хавфсизлигини таъминлаш.

6. Божхона бошқармаси (Қазақов):

махсус-тактик ўқув машқи билан боғлиқ ташкилий (зарур асбоб-анжомларнинг шайлиги) масалалаларни ҳал қилсин, ўқув машқи ўтказиладиган объект фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин;

ўқув машқини юқори савияда ўтказиш мақсадида чегара-божхона пости тузилмаларини махсус кийим-бош ва асбоб-анжомлар билан таъминласин;

ўқув машқини ўтказиш режаси, ахборот алмашинув тархи ва фуқаро муҳофазаси бўйича кўргазмалар (банер)ни ишлаб чиқсин;

ўқув машқини ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

ўқув машқини сценарийсига асосан “Хўжайли” чегара-божхона постида ўтказиладиган ўқув машқида иштирок этидиган куч-воситаларнинг тайёргарлиги кўздан ўтказилсин.

7. Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Давлетов):

тегишли хизматлар билан биргаликда ўқув машқини ўтказиладиган ўқув нуқталарини белгиласин, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича штаб фаолиятини ташкил этсин;

ўқув машқига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фуқаро муҳофазаси хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштирсин;

ўқув машқини якуни бўйича **уч кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига маълумот тақдим этсин.

8. Хўжайли тумани ҳокимлиги (Ермашев) кўргазмали махсус-тактик ўқув машқига туманнинг тегишли ФВДҚТ хизматлари куч-воситаларини жалб этсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси -
Фуқаро муҳофазаси бошлиғи**



Ф.Эрманов

“Хўжайли чегара-божхона пости орқали контрабанда йўли билан кириб келган ионлаштирувчи нурланиш манбалари аниқланганда ФВДқТ хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқини ўтказиш

Р Е Ж А С И

Ўқув машқи мавзуси:

“Хўжайли” чегара-божхона постида “Хўжайли чегара-божхона пости орқали контрабанда йўли билан кириб келган ионлаштирувчи нурланиш манбалари аниқланганда ФВДқТ хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари”.

Ўқув машқини ўтказишдан мақсад:

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбасини топилиши ёхуд уларнинг контрабандаси билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан ФВДТ тегишли хизматлари раҳбарлари ва тузилмалари шахсий таркибининг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларда зарур амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

ФВДТнинг тегишли хизматлари тузилмалари шахсий таркибининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларини ҳамда уларга бириктирилган радиацион махсус ўлчов асбоб-анжомлар ва химоя воситаларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларини такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган хизматлар ўртасида алоқа алмашинуви ҳамда юқори ва куйи тизимларга маълумот етказиш тизимларининг техник жиҳатдан барқарорлигини синовдан ўтказиш;

санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбалари топилиши ёхуд уларнинг контрабандаси билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича идоравий ва идоралараро ҳаракатланиш режа (йўриқнома)ларининг ҳаққонийлигини амалда синаб кўриш;

постда ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбалари топилганда объект раҳбарлар таркиби, фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳамда тегишли ФВДқТ хизматлари шахсий таркибининг ҳаракатлари ва билимларини ошириш ҳамда уларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш.

Махсус-тактик ўқув машқини ўтказиш санаси: 2023 йил 12 апрель куни.

Махсус-тактик ўқув машқини ўтказиш жойи: “Хўжайли” чегара-божхона пости худуди.

т/р	Вақти	Ўқув нуқтаси ва тадбирларнинг номи	Тезкор-тактик вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатлари	Ўқув машқи раҳбарининг ҳаракатлари
1	09:00-09:30	1-ўқув нуқтаси: Радиациявий аварияни бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситаларининг саф кўриги.	Чегара божхона постида ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбаи (ИНМ) топилиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятни бартараф этишга жалб этиладиган Божхона бошқармаси фуқаро мухофазаси ва ФВДкТ хизматлари куч ва воситалари объектнинг белгиланган жойида сафланади, жалб этилган махсус техникалар ва асбоб-анжомлар намоёйиш этилади. ФВДкТ хизматлари ва объект фуқаро мухофазаси тузилмалари сардорлари ўқув машқиға тайёргарлик тўғрисида Божхона бошқармаси ўқув машқи раҳбарига ахборот беришади.	Ўқув машқиға жалб қилинган куч ва воситалар тайёргарлиги бўйича чегара божхона пости бошлигининг ахборотини қабул қилади ва ўқув машқини бошлашга рухсат беради.
2	09:30 - 10:00	Махсус-тактик ўқув машқи ғояси билан танишиш.	Ўқув машқиға жалб қилинган куч ва воситалар ҳаракатланиш тартиби бўйича белгиланган жойларга бориб, вазифаларни бажаришга киришади.	Ўқув машқининг ғоясини (харитада) кузатувчиларга тушунтиради.
	10:00-12:30	2-ўқув нуқтаси: ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбаи (ИНМ) аниқланганда чегаралаш ва бартараф этиш: “Хужайли” чегара-божхона пости орқали қўшни давлатдан кириб келган автомашинада юқори радиацион фон кўрсаткичини қайд қилиш ва бирламчи хавфсизлик чораларини кўриш.	Кириб келган автомашинасини дозиметрик назоратдан ўтказиш жараёнида юқори радиацион фон қайд қилиниб, такрорий ўлчовлар ўтказилганда автомашинанинг ўрта ўнг томонида юқори радиацион фон кўрсаткичи қайта аниқланди. Аниқланган ҳолатни инобатга олиб дозиметрчи автомашинани махсус кўздан кечириш – хавфсиз жойга куйишини айтади.	юзага келган вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқаради ва мувофиқлаштиради, бажарилаётган тадбирларни шархлаб боради.
3		хабар бериш тархига асосан тегишли назорат органларига ахборот бериш. чегара-божхона пости фуқаро мухофазаси тузилмалари томонидан аварияни чегаралаш.	хабар бериш тархига мувофиқ ионлаштирувчи нурланишнинг санкцияланмаган (эгасиз) манбаи аниқланганлиги тўғрисида назорат органлари ва мудофаа тузилмаларига ахборот берилади. чегара божхона пости ҳамда масъул ФВДкТ хизматлари фуқаро мухофазаси тузилмалари шахсий таркиби фавқулодда вазиятни бартараф этиш штабига етиб келиб саф тортади, содир бўлган вазият, бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича топшириқлар олади ва амалий тадбирларни бажаради: - алоқа гуруҳи шахсий таркиби чегара божхона пости навбатчи диспетчери билан ҳамкорликда радиациявий аварияни бартараф этишга жалб қилинадиган хизматларга хабар беришга кўмаклашади.	хабар бериш тартиби тўғрисида шархлаб боради. юзага келган вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқаради ва мувофиқлаштиради, бажарилаётган тадбирларни шархлаб боради.

<p>ишчи-ходимларни ва аҳолини эвакуация қилиш.</p>	<p>- авария-қутқарув гуруҳи шахсий таркиби юқори радиацион фон кўрсаткичи қайд қилинган автомашинаси жойлаштирилган майдончага киришни тақиқловчи белгилар ўрнатилади;</p> <p>- жамоат тартибини сақлаш гуруҳи шахсий таркиби юқ автомашинаси хайдовчиси чегара божхона постидан кетиб қолмаслигини ва турли кўпорувчилик ҳаракатлар қилмаслиги ҳамда пост худудидан ҳеч ким чиқмаслигини таъминлаш чораларини кўради;</p> <p>- тиббий ёрдам гуруҳи шахсий таркиби ҳамкорликдаги тиббий тузилмалар билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр ҳолатда бўлади.</p>	<p>юзага келган вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқаради ва мувофиқлаштиради, бажарилаётган тадбирларни шарҳлаб боради.</p>
<p>назорат қилиш органлари ва тузилмаларининг мудофаа ҳаракатлари.</p>	<p>чегара божхона пости эвакуация комиссияси томонидан махсус майдонча агрофидага жойлардан барча ходимлар хавфсиз масофага кўчирилади. Шу вақтнинг ўзида чегара божхона пости агрофида жойлашган идора ва ташкилот ишчи-ходимларини ҳамда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсиз худудга вақтинча пиёда эвакуация қилиш тадбирлари амалга оширилади.</p> <p>чегара божхона постига етиб келган ФВДКТ тегишли хизматлари штабга ахборот беради ва юзага келган вазият тўғрисида маълумотлар олади ва амалий ҳаракатларни бажаришга киришади:</p> <p>- ФВБ шахсий таркиби ва СЭОваЖСБ ходимлари ҳамкорликда автомашинани махсус дозиметрик назоратдан ўтказди, юқори радиацион фон автомашинанинг ўрта ўнг томонида эканлиги тасдиқланади, ўлчов ва идентификациялаш натижасида радиация даражасини аниқлаш;</p> <p>- Миллий гвардия ва ИИБ ходимлари томонидан чегара-божхона пости атрофини ўраб олиш ва кўриқлаш ишлари ҳамда тергов-тезкор тадбирлари олиб борилади;</p> <p>- СЭОваЖСБ ходимлари томонидан аниқланган ҳолатни хужжатлаштириш учун маълумотлар қайд этиб борилади, аварияни баргараф этишга жалб этилган ходимлар учун иш режимини белгилайди ва шахсий дозиметрик назоратни ташкил этади;</p> <p>- ФВБ шахсий таркиби ва СЭОваЖСБ ходимлари ҳамкорликда назорат органларининг руҳастига асосан енгил автомашина ичидан ИИМ ажратиб олади ва объект раҳбарияти билан ҳамкорликда</p>	<p>юзага келган вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқаради ва мувофиқлаштиради, бажарилаётган тадбирларни шарҳлаб боради.</p>

			<p>ИНМни жисмоний ва радиацион хавфсизлик чоралари бўйича назорат органларига тавсия киритади;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Божхона бошқармаси раҳбарияти, ИИБ билан ҳамкорликда топилган санкцияланмаган ИНМни Республика радиоактив чикиндиларни кўмиш корхонасига вақтинча сақлаш ва кўмиш учун топшириш тадбирлари ташкил этилгунга қадар хавфсиз сақланишини таъминлайди; - Божхона бошқармаси гуруҳи олиб келинган автомашина тўғрисида маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга кўмаклашади; - Саноат хавфсизлиги Давлат кўмитаси Қорақалпоғистон худудий бошқармаси ходимлари топилган ИНМни олиб кетиш тадбирларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсагади. 	
4	12:30-13:30	<p>3-ўқув нуқтаси: Радиациявий аварияни бартараф этишга жалб этилган шахсий таркибни махсус ишловдан ўтказиш, шахсий дозиметрик назорат натижаларини ўрганиш ва бажарилган ишларни хужжатлаштириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> - ФВБ шахсий таркиби махсус ишлов бериш пунктини ёйиб, радиациявий аварияни бартараф этишга жалб этилган шахсий таркибни ушбу пунктда тозаловдан ўтказиш, СЭОваЖСБ ходимлари тозалов сифатини ўрганиб боради, шахсий дозиметрик назорат натижаларини кайд этади; - СЭОваЖСБ ходимлари назорат хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирларни хужжатлаштириб, тергов-тезкор ишлар учун тақдим этади. 	<p>юзага келган вазият ҳамда куч ва воситаларнинг ҳаракатларини бошқаради ва мувофиқлаштиради, бажарилаётган тадбирларни шарҳлаб боради.</p>
5	13:30-14:00	<p>Махсус-тактик ўқув машининг якуни. Куч ва воситаларнинг ҳаракатларини муҳокама қилиш ҳамда баҳолаш.</p>	<p>Ўқув машинга жалб этилган куч ва воситалар сафланади ҳамда тайёргарлиги бўйича ахборот қабул қилади.</p>	<p>Радиациявий аварияни бартараф этиш тадбирларини баҳолайди.</p>